



ЗАРУБЕННЫЙ ОПЫТ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НАСИЛИЕМ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН

Шомуратова Хилола Умиджон қизи

мустақил тадқиқотчи

E-mail: hshomuratova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье проведён сравнительно-правовой анализ зарубежного опыта профилактики правонарушений, связанных с насилием в отношении женщин. На основе данных World Health Organization и UN Women раскрывается глобальный масштаб проблемы. Проанализированы институциональные, правовые и цифровые модели профилактики в странах Европы, Северной Америки, СНГ и Азии. Результаты исследования направлены на совершенствование национальной системы профилактики.

Ключевые слова: насилие, профилактика, гендерное равенство, охранный ордер, зарубежный опыт, цифровой контроль.

FOREIGN EXPERIENCE IN THE PREVENTION OF OFFENSES RELATED TO VIOLENCE AGAINST WOMEN

ABSTRACT

This article provides a comparative legal analysis of foreign practices in preventing offenses related to violence against women. Based on data from the World Health Organization and UN Women, the global scale of the problem is examined. Institutional, legal, and digital prevention models in Europe, North America, CIS countries, and Asia are analyzed. The findings contribute to the improvement of national prevention mechanisms.

Keywords: violence, prevention, gender equality, protection order, foreign experience, digital monitoring.

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича хориж давлатлари тажрибаси қиёсий-



хуқуқий таҳлил асосида ўрганилган. Халқаро стандартлар, жумладан World Health Organization ва UN Women маълумотлари асосида муаммонинг глобал кўлами ёритилган. Европа, Шимолий Америка, МДХ ва Осиё давлатлари амалиёти таҳлил қилиниб, профилактиканинг институционал, хуқуқий ва рақамли моделлари аниқланган. Тадқиқот натижалари миллий амалиётни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: зўравонлик, профилактика, гендер тенглик, химоя ордери, хориж тажрибаси, рақамли мониторинг.

КИРИШ

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқларининг тизимли ва кенг кўламли бузилиши сифатида эътироф этилмоқда. У нафақат алоҳида шахс манфаатларига, балки жамият барқарорлиги, ижтимоий адолат ва гендер тенглиги тамойилларига ҳам жиддий таҳдид солади. *Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти* маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар уч нафар аёлдан бири ҳаёти давомида жисмоний ёки жинсий зўравонликка дуч келади [1]. Бу кўрсаткич зўравонликнинг эпизодик эмас, балки тизимли ва глобал хусусиятга эга эканини англатади.

БМТ Аёллар химоя қилиш ташкилоти ҳисоботларида эса анъанавий зўравонлик шакллари билан бир қаторда рақамли таъқиб, киберзўравонлик, иқтисодий назорат, мажбурий никоҳ ва онлайн таҳдид каби янги кўринишлар ортиб бораётгани қайд этилган [2]. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши зўравонликнинг трансчегаравий ва яширин шаклларини вужудга келтириб, профилактика механизмларини такомиллаштириш заруратини кучайтирмоқда.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик нафақат хуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳамдир. Зўравонлик оқибатида жабрланувчиларнинг меҳнат қобилияти пасаяди, тиббий ва реабилитация харажатлари ортиб боради, суд-хуқуқ тизимига қўшимча юк тушади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, зўравонликка қарши самарали профилактика чоралари давлат бюджетига тушадиган иқтисодий юкни камайтиришга ҳам хизмат қилади. Шу маънода мазкур масала барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади.

Халқаро хуқуқий асос сифатида *Istanbul Convention* зўравонликка қарши курашишнинг “4P” (**prevention** - профилактика, **protection** -- химоя, **prosecution** - жиноий таъқиб, **policies** - комплекс давлат сиёсати) тамойилини белгилайди [3]. Мазкур ҳужжат зўравонликни инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва камситиш



шакли сифатида тан олиб, давлатларга куйидаги мажбуриятларни юклайди. Биринчидан профилактикада маданий- маърифий тадбирларни амалга ошириш иккинчидан жабрланувчилар учун ҳимоя механизмларини яратиш учинчидан айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлигини таъминлаш ҳамда барча соҳаларни қамраб олган мувофиқлаштирилган давлат сиёсатини юритиш.

Шунингдек, БМТ доирасида қабул қилинган “Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида”ги декларация халқаро стандартларнинг концептуал асосини белгилаб берган бўлиб, давлатларни миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ундайди. Ушбу стандартлар профилактикани фақат репрессив чоралар билан чекламай, балки унинг ижтимоий илдизларини бартараф этишга қаратилган комплекс ёндашувни назарда тутди.

Илмий адабиётларда зўравонлик профилактикасига нисбатан турли назарий ёндашувлар мавжуд. Анъанавий репрессив модель ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин жиноий жазо қўллашни назарда тутса, замонавий ижтимоий-профилактик ёндашув хавф омилларини барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган. Экологик (кўп даражали) модель эса зўравонликни индивидуал, оилавий, жамоавий ва жамият даражасидаги омиллар ўзаро таъсири натижаси сифатида таҳлил қилади. Бу эса профилактик сиёсатни комплекс ва тизимли ташкил этишни талаб қилади.

Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, хориж давлатлари тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш миллий профилактика тизимини такомиллаштириш учун илмий-амалий асос яратади. Турли ҳуқуқий тизим ва маданий муҳитга эга давлатларда қўлланилаётган механизмларни ўрганиш орқали самарали моделларни аниқлаш ва уларни миллий шароитга мослаштириш имконияти пайдо бўлади.

Шу боис, мазкур мақоланинг мақсади хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича хориж тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, унинг институционал ва инновацион жиҳатларини ёритиш ҳамда миллий амалиёт учун илмий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликбилан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир хорижий хорижий тажрибани АҚШ тажрибаси Европа давлатлари ҳамда МДХ давлатлари тажрибалари сифатида таснифлаб ўрганиш мумкин.



Европа давлатлари тажрибаси. Европа давлатлари тажрибаси хотин-қизларга нисбатан зўравонлик профилактикасида комплекс ва институционал ёндашув устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Испания тажрибаси. 2004 йилда қабул қилинган гендер зўравонлигига қарши комплекс қонун (Organic Law 1/2004) асосида ихтисослашган судлар ташкил этилган [1]. Ушбу судлар фақат гендер зўравонлиги билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади, бу эса процессуал тезкорлик ва ихтисослашувни таъминлайди. Шунингдек, Испания Ички ишлар вазирлиги томонидан жорий этилган “VioGen” (Sistema de Seguimiento Integral en los casos de Violencia de Género) рақамли мониторинг тизими ҳар бир ҳолат бўйича хавф даражасини индивидуал баҳолайди [2]. Тизим жабрланувчи ва гумон қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотларни ягона базага киритиб, хавф даражасини таснифлайди ҳамда полиция назорати интензивлигини шу асосда белгилайди. Бу эса такрорий зўравонлик хавфини барвақт аниқлаш ва проактив чора кўриш имконини беради.

Швеция тажрибаси. Швецияда 2018 йил 1 июлдан кучга кирган “розилик қонуни” жинсий муносабатларда аниқ ва ихтиёрий розилик бўлмаса, жинсий жавобгарликни белгилайди [3]. Мазкур ўзгартишлар Швеция Жиноят кодексига киритилган бўлиб, бунда зўравонлик ёки таҳдидни алоҳида исботлаш талаб этилмайди, асосий мезон сифатида розиликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги қаралади. Бу ёндашув жинсий автономия ва шахсий дахлсизликни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтирди ҳамда профилактик жиҳатдан жамоатчилик онгини ўзгартиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, Швецияда гендер тенглик сиёсати таълим дастурлари билан уйғунлаштирилган [4].

Германия тажрибаси. Германияда “бир том остида хизмат” модели орқали полиция, психолог ва ижтимоий хизматлар интеграциялашган ҳолда фаолият юритади. Бундан ташқари оилавий зўравонликка қарши курашишда Gewaltschutzgesetz (Зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун) муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади [5]. Ушбу қонунга мувофиқ, полиция агрессорни зудлик билан уйдан чиқариш ваколатига эга, суд эса яқинлашмаслик буйруғини бериши мумкин. Германияда “бир том остида хизмат” модели доирасида полиция, психолог, ижтимоий хизмат мутахассислари ва ҳуқуқшунослар ягона марказда фаолият юритади [6]. Шунингдек, давлат томонидан молиялаштириладиган “Frauenhaus” бошпаналари тармоғи жабрланувчиларга вақтинчалик турар жой ва комплекс ёрдам кўрсатади [7].

Умуман олганда, Испания тажрибаси рақамли мониторинг ва институционал ихтисослашувга [1;2], Швеция модели ҳуқуқий стандартларни гендер тенглик



сиёсати билан уйғунлаштиришга [3;4], Германия амалиёти эса интеграциялашган хизматлар тизимига асосланган [5;6;7]. Бу ҳолат Европа давлатларида профилактика ҳуқуқий, ижтимоий ва технологик механизмларни бирлаштирган ҳолда амалга оширилаётганини кўрсатади.

Шимолий Америка давлатлари тажрибаси. Шимолий Америка давлатлари тажрибаси хотин-қизларга нисбатан зўравонлик профилактикасида қурбон марказли (victim-centered) ва молиявий қўллаб-қувватлашга асосланган ёндашув устувор эканини кўрсатади.

АҚШ тажрибаси. АҚШ да 1994 йилда қабул қилинган Violence Against Women Act (VAWA) зўравонликка қарши курашиш соҳасида тизимли ислохотларни бошлаб берди [8]. Ушбу қонун доирасида оилавий ва жинсий зўравонлик жабрланувчилари учун шелтерлар (ҳимоя уйлари) ташкил этилди. Миллий 24 соатлик ишонч телефон линиялари ишга туширилди. Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура учун федерал грант дастурлари молиялаштирилди. Ҳимоя ордерларини давлатлараро тан олиш механизми мустақамланди ҳамда зўравонлик ҳолатларини тергов қилишда ихтисослашган прокурорлар институти шакллантирилди. 1994 йилдаги Аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги (VAWA) қонуни бир неча марта (2000, 2005, 2013, 2022 йилларда) қайта кўриб чиқилиб, унинг қамрови кенгайтирилди. Хусусан, 2022 йилги янгиланиш қурол билан боғлиқ хавфларни чеклаш ва маҳаллий жамоалар учун қўшимча молиявий ресурслар ажратишни назарда тутди [8]. АҚШ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Office on Violence Against Women ушбу дастурларни мувофиқлаштирувчи асосий институт ҳисобланади.

Канада тажрибаси. Канадада эса профилактика давлат ва нодавлат ташкилотлар (ННТлар) ҳамкорлигига асосланган жамоавий модель орқали амалга оширилади. Канада Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш механизмларини кучайтирган бўлиб, зўравонлик ҳолатларига нисбатан жазо чоралари аниқлаштирилган [9]. Канада тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинганда уларда провинциялар даражасида кризис марказлари ва шелтерлар тармоғи ривожланганлигини ва полиция, соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий хизматлар ўртасида ахборот алмашинуви механизми мавжудлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари жамоатчиликка қаратилган ахборот-маърифий кампаниялар мунтазам ўтказилади. Маҳаллий халқлар (Indigenous) аёлларини ҳимоя қилиш бўйича махсус дастурлар амал қилади. Мисол учун бу миллий ҳаракат режаси доирасида Indigenous аёллари учун алоҳида йўналиш



белгиланган¹. Дастурда маҳаллий жамоаларда кризис марказлари ташкил этиш маданий жиҳатдан мос хизматлар (culturally responsive services) Indigenous аёллар учун алоҳида бошпаналарни молиялаштириш ҳамда маҳаллий жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик назарда тутилган.

Канадада профилактика “whole-of-government approach” (бутун давлат иштирокидаги ёндашув) тамойили асосида амалга оширилиб, федерал ва провинция даражасидаги органлар ўртасидаги мувофиқлашув таъминланади [9]. Умуман олганда, АҚШ модели федерал молиялаштириш ва қурбон марказли ҳимоя механизмларига [8], Канада модели эса давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигига асосланган жамоавий профилактикага [9] таянади. Бу ёндашувлар профилактикани фақат жазо чоралари билан чекламасдан, балки ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва институционал шериклик орқали амалга ошириш самарали эканини кўрсатади.

МДХ давлатлари амалиёти. МДХ давлатларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик профилактикаси асосан махсус қонунлар қабул қилиниши, ҳимоя ордерлари институти жорий этилиши ва ижтимоий реабилитация марказлари ташкил этилиши орқали шакллантирилган. Ушбу давлатларда профилактика модели кўпроқ маъмурий-назорат ва процессуал ҳимоя механизмларига таянади.

Қозоғистон тажрибаси. Қозоғистонда “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун (2009 йил, кейинги ўзгартишлар билан) ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади [10]. Қонунга мувофиқ полиция томонидан ҳимоя ордери (защитное предписание) берилиши мумкин ва агрессорга нисбатан яқинлашмаслик, алоқага чиқмаслик каби чекловлар қўлланилади. Профилактика инспекторлари томонидан махсус ҳисоб юритилади. Ижтимоий реабилитация марказлари жабрланувчиларга вақтинчалик бошпана, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Қозоғистонда 2030 йилгача мўлжалланган оилавий ва гендер сиёсати концепцияси қабул қилинган бўлиб, у гендер тенгликни таъминлаш ва маиший зўравонлик профилактикасини кучайтиришни назарда тутди [10].

Қирғизистон тажрибаси. Қирғизистонда 2017 йил 27 апрелда қабул қилинган “Оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун профилактика тизимини такомиллаштирди [11]. Мазкур қонунга мувофиқ ҳимоя ордери

¹ Government of Canada. *The National Action Plan to End Gender-Based Violence* Official Document. Ottawa, 2024.



процессуал юридик ҳужжат сифатида мустаҳкамланган ва ордер полиция томонидан берилади ва суд назоратида амал қилади. Оилавий зўравонликнинг жисмоний, жинсий, руҳий ва иқтисодий турлари аниқ белгиланган. Маҳаллий давлат органлари ва ижтимоий хизматлар субъект сифатида профилактика жараёнига жалб этилган. Қирғизистон амалиётида ҳимоя ордери институти тезкор профилактик чора сифатида қаралади ва такрорий зўравонлик хавфини камайтиришга қаратилган.

Молдова тажрибаси. Молдовада 2007 йилда қабул қилинган “Оилавий зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун МДХ ҳудудидаги энг батафсил ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади [12]. Қонун оилавий зўравонлик тушунчасини кенг қамровда (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий ва маънавий зўравонлик) белгилайди ва моддий ва руҳий зарар тушунчаларини алоҳида аниқлайди. Ҳимоя ордери бериш тартибини суд орқали мустаҳкамлайди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя органларининг ваколатларини белгилайди ҳамда реабилитация марказлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Молдова амалиётининг ўзига хос жиҳати тушунчалар ва ҳуқуқий категорияларнинг аниқ ва кенг қамровда белгиланганидир, бу эса қонунни қўллашда ҳуқуқий аниқликни таъминлайди. Умуман олганда, Қозоғистон тажрибаси маъмурий-профилактик назорат ва ҳимоя ордерларига [10], Қирғизистон модели процессуал ҳимоя механизмларини мустаҳкамлашга [11], Молдова қонунчилиги эса ҳуқуқий дефиницияларни кенг қамровда белгилаш ва институционал ваколатларни аниқлашга [12] асосланган. Бу ҳолат МДХ давлатларида профилактика модели асосан ҳуқуқий тартибга солиш ва давлат назорати механизмлари орқали амалга оширилаётганини кўрсатади.

Қиёсий таҳлил натижаларига кўра:

1. Самарали профилактика комплекс ва институционал ёндашувни талаб қилади.
2. Рақамли мониторинг ва электрон ҳимоя ордерлари такрорий зўравонлик хавфини камайтиради.
3. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги профилактиканинг муҳим шарти ҳисобланади.
4. Миллий амалиётни такомиллаштиришда халқаро стандартларни миллий хусусиятлар билан уйғунлаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар



1. World Health Organization. Violence against women prevalence estimates. Geneva: WHO, 2021.
2. UN Women. Global Database on Violence against Women. New York, 2023.
3. Council of Europe Convention on preventing and combating violence against women and domestic violence (Istanbul Convention). Istanbul, 2011.
4. Organic Law 1/2004 of 28 December on Integrated Protection Measures against Gender Violence. – Madrid, 2004.
5. Ministerio del Interior de España. Sistema VioGen. Madrid, 2023.
6. Swedish Penal Code (Consent-based legislation amendments). Stockholm, 2018.
7. Government Offices of Sweden. Gender Equality Policy in Sweden. Stockholm, 2022.
8. Gewaltschutzgesetz (German Act on Protection Against Violence). Berlin, 2002.
9. Federal Ministry for Family Affairs, Senior Citizens, Women and Youth. Action Plan on Violence against Women. Berlin, 2022.
10. Frauenhaus Coordination e.V. Annual Report. Berlin, 2023.
11. Violence Against Women Act of 1994 (Public Law 103–322) // U.S. Congress. Washington, 1994 (amended 2000, 2005, 2013, 2022).
12. Criminal Code of Canada (R.S.C., 1985, c. C-46) and National Action Plan to End Gender-Based Violence. Ottawa, 2022.
13. Закон Республики Казахстан «О профилактике бытового насилия». Астана, 2009 (с изм. и доп.).
14. Закон Кыргызской Республики «О защите от семейного насилия». Бишкек, 27 апреля 2017 г.
15. Закон Республики Молдова №45-XVI «О предупреждении и пресечении насилия в семье». Кишинёв, 1 марта 2007 г.